2015 ЙИЛ 12 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 7 (12.820)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.Д.Усмановни Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Рахманбек Джахангирович Усманов Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 9 январь

Ватан – улуғ, бурчим муқаддас!

ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК МАДҲИЯСИ

12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун.

Шу кунларда халқимиз, бутун мамлакатимиз байрамлар оғушида яшамоқда. Куни кеча катта шоду хуррамлик билан нишонланган Янги йил тантаналари шукуҳи сўнмай туриб, эл-юртимиз яна бир қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринки рухда кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. Байрам муносабати билан уюштирилаётган турли маданий-маърифий тадбирларга келаётган юртдошларимиз мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-омонлик, бахт-саодат суридан баҳра олмоқда, шу ёруғ, дориломон ҳаётимиз учун Яратганга шукроналар айтмоқда.

Байрам кунлари турли касб-кор, турфа ёшдаги одамларнинг пойқадами узилмайдиган шундай маскан борки, бу ерга келган ҳар бир инсон аввало юртимиздаги тинчликнинг нақадар азиз неъмат эканини чуқур англайди, шу бебаҳо неъмат учун жонини беришга тайёр мард ўғлонлар жасоратига тасаннолар айтади. Садоқат, жасорат ва эзгуликка ундовчи бу гўзал маскан – «Ватанга қасамёд» монументидир.

Мамлакатимизда ёш авлодни мард ва жасур, мустаҳкам иродали, Ватанга садоқатли, ўз ҳаётини эл-юрт манфаати учун бахшида қилишга қодир ўғлонлар этиб тарбиялаш – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз қудрати ва салоҳиятини ошириш йўлида олиб борилаётган улкан ислоҳотлар жараёнида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиз ҳуснига ярашиб тушган ушбу мажмуа бугун ҳарбий хизматни ўзи учун нафақат конституциявий бурч, балки садоқат ва матонат мактаби, том маънодаги шарафли вазифа, деб билган ҳар бир ўғлон учун ибрат масканидир. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни дилига тугиб, ҳарбийлик либосини кийган йигитлар, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган курсантлар ушбу Монумент пойида эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг посбони бўлишга аҳд қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг самарасида армиямиз нафақат сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли ҳимоячиси, балки ёшларда чиниқам ирода ва характерни тоблайдиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар уйғун шаклланадиган ўзига хос мактабга айланди. Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётир.

Муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резерви хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди, жанговар тайёргарлигини юксалтирди. Айни пайтда йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими шаклланган. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташкил этилган Қуролли Кучларимиз мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик барқарорлигининг мустаҳкам кафолатига айланганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)

Болалар спорти

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Болалар спорти: фикрлар, омиллар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида ижтимоий сўров ўтказилди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонда болалар спортини оммавий умумхалқ ҳаракатига айлантириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Сўров маълумотларига кўра, мамлакатимиз аҳолиси спортни сиҳат-саломатлик, соғлом турмуш тарзи, жисмоний ва маънавий баркамоллик манбаи деб ҳисоблайди. Сўров қатнашчиларининг фикрича, спортнинг аҳамияти, биринчи навбатда, унинг навқирон авлод саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Респондентлар мамлакатимиз спортчилари эришаётган ютуқлар туфайли ҳамюртларимиз қалбида фахрланиш, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғулари кучайиб бораётганини таъкидлади.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти спортнинг футбол, яккакурашлар, енгил атлетика, гимнастика, теннис, оғир атлетика, сузиш, ўқ отиш каби турлари билан шуғулланмоқда. Сўров, айниқса, ёш авлод вакиллари спорт билан доимий равишда шуғулланаётганидан далолат бермоқда. Сўровда иштирок этганларнинг 60,6 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланса, 23,4 фоизи ҳар куни спорт машғулотларига қатнайди.

Сўровда аниқланишича, иштирокчиларнинг 96,7 фоизи мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун барча зарур шароитлар яратилган, деб ҳисоблайди. Аҳоли учун замонавий спорт мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилган. Сўровда иштирок этганларнинг кўпчилиги оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг жорий этишга қаратилган ишларни изчил давом эттириш лозим, деб ҳисоблайди. Сўров давомида билдирилган фикрларга кўра, бу борадаги чора-тадбирлар спортни янада оммалаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиш иштиёқини рағбатлантиришга қаратилиши лозим.

Сўров қатнашчилари ўғил-қизларни болаликдан спортга ошно этиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонади. Бундан ташқари, спортга қизиқувчи болалар, респондентларнинг фикрича, ўқишда ҳам фаол бўлади. Сўров иштирокчилари таъкидлашича, спорт билан шуғулланиш ёш авлодни зарарли иллатлар ва салбий таъсирлардан сақланишига ёрдам беради.

Сўров натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимизда яратилган уч босқичли спорт ўйинлари тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг кўламда жалб этишда муҳим ўрин эгаллайди, мамлакатимиз Президенти томонидан белгиланган болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга кенг жалб этиш вазифасига тўлиқ жавоб беради ҳамда ўқувчилар орасида спорт билан шуғулланувчилар мунтазам ортиб боришига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, сўров фуқароларнинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти тўғрисида хабардорлик даражаси юқори эканини кўрсатди. Иштирокчиларнинг мутлақ кўпчилиги (95,1 фоиз) ушбу жамғарма фаолияти илғор халқаро тажриба асосида болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Сўров қатнашчиларнинг фикрича, мустақиллик йилларида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида спорт Ўзбекистон ёшлари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, спортчиларимиз турли нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Сўров натижалари мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларини яна бир бор тасдиқлади: мамлакатимизнинг барча ҳудудидан сўровда иштирок этганларнинг аксарияти (95 фоиз) юртимизда болалар спорти оммавий тус олганлигига ишончи комил.

Тадқиқот натижалари Президентимиз Ислом Каримовнинг болалар спортини ҳар томонлама ривожлантиришга доир ташаббуслари ва бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон фуқаролари томонидан маъқулланаётганини яққол намойиш қилди – сўров қатнашчиларининг 98,7 фоизи давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳадаги стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА тайёрлади

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Аввал хабар қилинганидек, 2015 йил 9 январь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова олиб борди.

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтган сайлов якунлари ва сайланган депутатларнинг ваколатларини эътироф этиш, шаҳар Кенгашига сайланган депутатларнинг партия гуруҳларини рўйхатга олиш, Кенгаш Регламентини ва доимий комиссиялари тўғрисидаги Низомни, доимий комиссияларни тузиш ва таркибини тасдиқлаш ҳамда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда сайловларнинг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мос равишда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Сайловнинг якуний натижаларига кўра халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган 60 нафар депутатларнинг ваколатлари тасдиқланди. Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлик корпусидан — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 19 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 15 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 15 нафар ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 11 нафар депутат ўрин олди.

Сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига янги сайланган шаҳар Кенгаши депутатларининг партия гуруҳларини рўйхатга олиш тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Чирчиқдаги офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 23 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Топқирлик синовлари» деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

● Бухоро ирригация ва мелиорация касб-ҳунар коллежида ўқувчи-ёшларнинг Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети, Бухоро шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм офицер, сержант ва аскарлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган «Натурал жус» масъулияти чекланган жамиятининг яна бир филиали иш бошлади. Корхона иш бошлаши билан 40 дан зиёд ёшнинг бандлиги таъминланди. Корхона ишлаб чиқариш қувватининг ортиб бориши нафақат боғдорчиликка ихтисослашган Янгиқўрғон тумани, балки Наманган вилоятида етиштирилаётган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, улардан табиий, дармондориларга бой маҳсулотлар тайёрлаш истиқболларини кенгайтиради.

● Андижон машинасозлик институти машинасозлик факультетининг 900 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Факультетнинг янги ўқув биноси қурилиши «Rich trade» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилди. 5 миллиард 961 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бинонинг атрофи ободонлаштирилди.

● Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалида академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази мутахассислари томонидан аҳоли, жумладан, бир гуруҳ фахрийлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу ернинг ўзида малакали шифокорлар кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи, юрак-қон томир хасталиклари, ўпка ва нафас йўллари касалликларига чалинган ўндан ортиқ беморни жарроҳлик йўли билан даволади.

ЖАҲОНДА

● Қалин қор ёғиши ва кучли қор бўронлари туфайли Москвадаги аэропортларда юздан ортиқ ҳаво рейсларининг вақти ўзгартирилди, 20 дан ортиғи бекор қилинди. Маълумотларга кўра, Шереметьево, Домодедово ва Внуково аэропортларида нафақат парвозлар бекор қилинмоқда, балки айрим самолётларнинг қўнишига ҳам рухсат берилмаяпти.

● Кеча Американинг Лос-Анжелес шаҳрида мамлакат киноакадемиясининг нуфузли «Олтин глобус» мукофоти соҳибларини тақдирлаш маросими 72-бор ўтказилди.

● 28 декабрь эрталаб Индонезиянинг Сурабай шаҳридан Сингапурга парвоз қилган Малайзиянинг Air Asia авиакомпаниясининг бедарак йўқолган самолётининг қора қутиларини индонезиялик қутқарувчилар кеча денгиз тубидан топишди.

● Нигериянинг шимоли-шарқий қисмида амалга оширилган террорчилик ҳаракати — иккита портлаш натижасида 24 киши ҳалок бўлди, 50 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Ушбу террорчилик ҳаракатини «Боко-Харам» радикал гуруҳи жангарилари амалга оширганликда гумон қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, кун тартиби бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Регламентини ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг Низомини тасдиқлаш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари орасидан шаҳар Кенгаши ваколатига тааллуқли масалаларни олдиндан кўриб чиқиш ва тайёрлаш, шаҳар Кенгаши қарорларини ва бошқа қонун ҳужжатларини амалга оширишга кўмаклашиш, ўз ваколатлари доирасида назорат қилиб бориш вазифаларини бажариш учун доимий комиссияларни тузиш ва уларнинг таркибини тасдиқлаш масаласи муҳокама этилди.

Унга кўра шаҳар Кенгаши қошида Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари, Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари ва Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиялар тузилди.

Сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Регламентига асосан шаҳар Кенгашининг Раиси ва депутатлик одоби масалалари бўйича комиссияси ҳам тузилди. Ушбу комиссиянинг таркиби тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига асосан 38-Олмазор сайлов округидан сайланган депутат Раҳмонбек Усманов Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи сифатида қатнашган хорижлик журналист ва экспертлар мазкур муҳим сиёсий тадбир якунлари юзасидан ўз баҳоларини билдиришмоқда. Қуйида швейцариялик халқаро кузатувчиларнинг юртимиздан орттириб қайтган таассуротлари ва ўтказилган сайлов хусусидаги фикр-мулоҳазалари қаламга олинган.

РОБЕРТ БЛУМ:

«КУЗАТУВЛАРИМ САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯ МЕЪЁРЛАРИГА МУВОФИҚ РАВИШДА ЎТКАЗИЛГАНИНИ ТАСДИҚЛАДИ»

Марит ФОСС, Швейцарияда нашр этиладиган «Diva International» журналининг нашири ва бош муҳаррири:

— Кўп миллатли ҳамда кўҳна ва бой тарихга эга бўлган Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган пайтдан бошлабоқ парламент демократияси йўлини тутгани ҳолда салмоқли ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этди. Бунинг натижасида у Марказий Осиёнинг барқарор ривожланаётган мамлакатига айланди. Биз Ўзбекистоннинг янада тараққий топиш йўлидаги қатъияти ва саъй-ҳаракатларини табриклаймиз.

2014 йил 21 декабрь куни мамлакатда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида ушбу муҳим сиёсий тадбир қай тариқа ўтказилганига гувоҳ бўлдим. Сайловларга тайёргарлик жараёнлари билан ҳам яқиндан танишдим. Улар юксак даражада ташкил этилди, ўрнатилган тартибда ва шаффофлик муҳитида ўтди.

Мен Бухородаги 5 та сайлов участкасида овоз бериш жараёнларини диққат билан кузатдим. Бизга ўз миссиямизни бажаришимиз учун барча шароитлар яратиб берилди. Сайлов участкаларидан бирида берилган овозларни санаш жараёнини ҳам кузатдик.

Хорижлик кузатувчи сифатида ушбу парламент сайловларида қатнашганимдан мамнунман. Негаки, бу менга ўз мамлакати билан фахрланадиган одамлар, оддий кишилар, ўзбек аёллари билан мулоқотда бўлиш имконини берди.

Умуман олганда, энг тўғри қарорни қабул қилишда ҳамда тарихий қадриятларга ва маданиятга таянган ҳолда, давлатнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, демократиянинг ўз моделини ишонч билан қуриш ғоят муҳимдир.

Роберт БЛУМ, Женева Дипломатия клубининг президенти:

— Ўзбекистонда хорижлик кузатувчи сифатидаги миссиямни муваффақиятли бажаришга ва кўпгина сайлов участкаларига боришга муваффақ бўлдим. Мен у жойларда хайрихоҳлик муҳити ҳукм сураётганини ҳамда сайловлар диққатга сазовор даражада ташкил этилганини кўрдим. Сайлов участкаларининг иши, партияларнинг сайловолди дастурлари ва бошқа зарур бўлган барча маълумотлар билан яқиндан танишдим. Овоз беришга келган сайловчилар билан суҳбатлашар эканман, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасидан ҳамда сиёсий фаоллигидан таъсирландим. Ўйлайманки, буларнинг барчаси, шунингдек, сайловчилар овоз беришининг юқори даражаси сайловдан олдинги тарғибот-ташвиқот кампанияси яхши ташкил этилганидан далолатдир.

Ўз миссиямни адо этишим доирасида сайловларни ўтказиш ва уларда қатнашиш учун зарур бўлган барча шартларга риоя этилганига ишонч ҳосил қилдим. Кузатувларим сайловларнинг мамлакат қонунчилигига ҳамда умум қабул қилинган демократия меъёрларига мос равишда ўтказилганини тасдиқлади.

«Жаҳон» АА Женева

Олмазор тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ОЛМАЗОР ТУМАНИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги СК-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли Қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 590-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида»ги 334/4-40-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги 1053-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ва туман молия бўлимининг 2014 йил 25 декабрдаги 01-14/306-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1053-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Олмазор туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун даромадлар ва харажатлари ҳамда Тошкент шаҳар бюджетидан берилган даромадларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетга ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2015 молия йили давомида:

Туман маҳаллий бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш туман ҳокимлигининг молия бўлими тақдимномасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Акрамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Олмазор туман тармоқ администратори (Д.Шоназаров):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.olmazor.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2013 йил 31 декабрдаги «Олмазор туманининг 2014 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисида»ги 992-сонли қарори ўз кучини йўқотади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Искандаров зиммасига юклатилсин.

Олмазор тумани ҳокими Б.Гаибназаров

2014 йил 30 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қодир, ҳар томонлама ривожланган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан пухта, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз шакллантирилди.

АРМИЯ ҚАҲРАМОНЛИККА ЎРГАТДИ

Бугун ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигит учун шарафли вазифага айланди. Чорак аср муқаддам йигитлар соғлом ё носоғломлигига қарамай, ола-қуроқ кийимларда узоқ ўлкаларга олиб кетилган бўлса, бугун чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга тиббий, жисмоний ва интеллектуал кўриклар асосида саралаб олинмоқда.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишда ҳарбий хизматнинг ёшлар ўртасидаги нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганида улкан мақсад ва маъно мужассам, албатта. Собиқ иттифоқ даврида ўзбек ўғлонлари ҳарбий хизматни ўташ учун узоқ ўлкаларга жўнатилгани, у ерлардаги оғир вазият, камситилиш ва қийинчиликлардан фарзандлар ҳам, ота-оналар ҳам зада бўлгани ҳали кўпчиликнинг ёдида. Ўша пайтда ота-оналар фарзандини армиядан олиб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Ҳозир ҳарбий хизмат давомида аскарларнинг жисмоний тайёргарлиги, ҳарбий ихтисосликларни, замонавий ахборот-компьютер технологияларини пухта ўзлаштиришига, ижтимоий-сиёсий билими, интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини бойитишга, ҳар бир ҳарбий хизматчида барқарор ахлоқий-руҳий ҳолатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу миллий армиямиз мудофаа қудратини юксалтириш билан бирга, ҳарбий хизматнинг нуфузини янада оширишга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига қўшимча имтиёзлар беришга оид қарорларига биноан муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёзли баллга эга бўлмоқда. Яна бир муҳим жиҳат: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўловконтракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намоён этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тариқасида тўлаб бермоқда.

Бундай имтиёзларнинг жорий этилиши ва яратилган кенг имкониятлар самарасида ҳарбий хизматда чиниққан қанчадан-қанча йигитлар талабалик шарафига муяссар бўлмоқда.

Фарғоналик Муслимбек Абдуваҳобов ана шундай бахтиёр ёшлардан бири. У 2011 йили Жиззах вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида хизматни ўтаб қайтгач, Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтига шартнома асосида ўқишга қабул қилинди.

– Муддатли ҳарбий хизмат келажагим пойдеворини қуришда энг муҳим аҳамият касб этди, – дейди Муслимбек. – Армия нафақат замонавий ҳарбий билимларни пухта эгаллаш, ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдаланиш кўникмасини ўзлаштириш имконини берди, балки иродамни чиниқтирди, фавқулодда мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тўғри баҳолай олиш, тез қарор қабул қилиш қобилиятимни тарбиялади. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси эса ўқишга имтиёзли асосда қабул қилинишимда, жамиятда ўз ўрнимни топишимда муҳим омил бўлди. Бу биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Институт ўқитувчиси Муҳаммад Валиевнинг айтишича, Муслимбек таълим даргоҳида босиқ табиати, тиришқоқлиги, одоб-ахлоқи, юксак интеллектуал салоҳияти, доимо дўстларига ёрдамга шайлиги ва яна кўплаб фазилатлари билан бошқа талабалардан ажралиб туради. У «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида институтда ўтказиладиган барча маънавий-маърифий тадбирларда жуда фаол.

– Ўз ҳаётимни, келажагимни мана шу буюк ва муқаддас Ватанимиз равнақи, эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги билан уйғун кўраман, – дейди ЎзА мухбирига Муслимбек. – Шу боис, аввало, аъло ўқишга, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада ривожлантириш йўлида тинмай меҳнат қилаётганларга камарбаста бўлишга ҳаракат қиляпман. Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш ҳақиқий қаҳрамонликдир.

Дилшод КАРИМОВ

ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК МАДҲИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бош Қомусимизда белгиланганидек, Ватанимизни ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан 2010 йили пойтахтимизда Қуролли Кучларимиз шарафига бунёд этилган «Ватанга қасамёд» монументи шу муқаддас бурчни сидқидилдан ўташга қодир йигитларни вояга етказишда бетакрор аҳамият касб этмоқда.

Ўзининг чуқур маъно-мазмуни, теран ҳаётий фалсафаси билан ажралиб турадиган ушбу мажмуада азамат ўғлон давлатимиз байроғини кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани ифода этилган. Унинг елкаси узра ана шу мард ва жасур ўғлонга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли – мунис ва мўътабар Она ҳарбий хизматга отланган азиз фарзандига фотиҳа бериб, оқ йўл тиламоқда.

Бу муаззам мажмуага Президентимиз ташаббуси билан «Ватанга қасамёд» деб ном берилиши бежиз эмас. Зеро, халқимиз учун ҳарбий қасамёд – бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни ado этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

Ҳар йили минг-минглаб алпкелбат ўғлонларимиз муддатли ҳарбий хизматга киришар экан, эл-юрт ҳимояси йўлида фидойи бўлиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қасамёд қилади. Бу уларнинг она юртимизга, Президентимизга, халқимизга қилган лафзидир. Лафзи ҳалоллик – халқимизда эр йигитнинг шаъни, орият ва номуси ҳисобланади.

«Ватанга қасамёд» монументи пойидан йил бўйи гулчамбарлар аримайди. Айниқса, шу кунларда байрам муносабати билан бу ерга ташриф буюрувчилар сафи янада кўпайган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар бу муҳташам Монументни зиёрат қилар экан, унинг тимсолида жисмонан ва маънан етук, эл-юртга садоқатли ва мард йигитларимизни кўргандек бўлади.

– Ўғлим Баҳромжон ушбу Монумент пойида қасамёд қилган эди, – дейди Янгиариқ туманидан келган Назира Мирсобирова. – Ўтган вақт мобайнида у ҳарбий ҳаётга ўрганиб, ҳарбий хизматнинг йигит учун қучли тарбия мактаби эканини англаб етди. Бугун Монумент олдида командирларининг ўғлим ҳақида айтган самимий фикрларини эшитиб, кўксим тоғдек кўтарилди. Насиб қилса, Баҳромжон муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, келажакда юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади. Биз, ота-оналар бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз доимо соғ-омон бўлсинлар, дея дуо қилишдан чарчамаймиз.

– Дўстларим билан ҳар гал бу ерни зиёрат қилишга келганимизда, халқимизнинг ишончи бизга ҳамиша мададкор бўлишини чин дилдан ҳис этамиз, – дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Ҳаётбек Икромов. – Айниқса, давлатимиз байроғини кўзига суртиб турган аскар сиймосини кўрганимда вужудимни ўзгача ҳаяжон чулғаб олади. Бу ҳайкал менга доим ўз аҳдимни, унга содиқ туриш масъулиятини эслатади, эл-юртимизга муносиб бўлишга ундайди.

Ҳа, Ҳаётбек каби миллий армиямизнинг мустаҳкам таянчлари, катта жасорат соҳиблари – ҳарбийларимиз бор экан, Ватанимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусаффо. «Ватанга қасамёд» мажмуаси эл-юртимиз орномуси ва ғурурини асраш ва юксалтиришни мақсад қилган юртдошларимиз учун жасорат ва мардлик мадҳиясидир.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎзА шарҳловчиси

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

Президентимиз томонидан 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди. Халқимизда «Кексалар ҳурматда, ёшлар иззатда» деган нақл бор. Юртбошимиз томонидан таклиф этилиб, халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган ушбу ном ортида жуда катта мақсад ва вазифалар, элу юрт ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб иззат-ҳурмат кўрсатиш, қадрлаш, ёш авлодга ўрнак қилиб кўрсатишдек хайрли, эзгу ниятлар турибди.

Дарҳақиқат, кексалар хонадонларимиз файзи, таровати, обрў-эътибори, фарзандларимизнинг донишманд тарбиячиси. Азал-азалдан маълумки, кекса бобою бувилар бор хонадонда таълим-тарбия, ибрат бошқача. Ўғил уйлантирб, қиз чиқармоқчи бўлган ота-оналар кўпроқ эътиборларини бобою бувижонлар тарбиясини олган хонадонга қаратиб, шу хонадонга қуда бўлишга интиладилар.

— Жорий йилимизнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номланиши маҳалламиз аҳлини жуда хурсанд қилди, — дейди Шайхонтохур туманидаги «Шофайзи» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Шамсутдинов. — Шу билан бирга хонадонларимизга файз-барака ато этиб, элу юртимизга тинчлик-омонлик тилаб доимо дуода бўлган, фарзандларимизга тўғри тарбия беришимизга бош бўлган кекса, нуроний отахон-онахонларимизга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, ёшларга намуна бўлишга чақиради. Маҳалламизда пиру бадавлат, нуроний кексалар бор хонадонлар кўп. Улар ҳамиша маҳаллада ўтказиладиган ҳар бир тадбир, хайрли ишларга бош-қош бўладилар, тўғри маслаҳат, йўл-йўриқ бериб менинг ёнимда турадилар. Маҳалламизнинг шаҳриждаги энг намунали, обод гўшалар қаторида туришида уларнинг муносиб ҳиссалари бор. Шу ўринда Р. Мелиев, И. Мирзаев, Ф. Тошмуҳаммедов ва А. Қодиров каби отахонлар номини келтириб ўтсам ярашади. Бундай жонкуяр инсонлар туфайли содир этилиши мумкин бўлган турли кўнгилсизлик ёки ажримларнинг олди олиниб, оилаларда тинчлик-осудалик ҳукм сурмоқда, ёшлар ота-онага ҳурмат-иззат кўрсатиб, ўзаро бир-бирларини тушуниб, аҳил-чиликда яшаб келмоқдалар. Ўтган йилда биронта аж-

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

римларнинг бўлмагани, шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган турли танловларда ғолиблар қаторида бўлганимиз ҳам бунинг самараси, албатта.

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаган: «Барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — дунёдаги энг улуғ, энг савобли иш десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан», деган сўзлари айнан кекса, нуроний отахон-онахонларнинг тилидаги, дилидаги гап бўлди, кўнглимизни тоғдек кўтарди, — дейди шу маҳаллада яшовчи отахон Рихсивой Мелиев. — Кексани иззат қилган, ота-онага ҳурмат кўрсатган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Ахир айтишадику «Кексалари, аёллари эъзозланган юртнинг келажаги порлоқ, эртаси нурафшон бўлади», деб. Шундай кунларга етказганига шукр. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Тинч-осуда юртда, инсонга қадр-қиммат, эҳтиром кўрсатилган жамиятда набираю фарзандлар камолини кўриб яшаётганимга шукроналар қиламан. Эртанги кунимиз бунданда порлоқ бўлсин, кексаларга умр берсин, ёшларимиз бахту саодатли бўлишларини тилайман.

Кексаларнинг дуолари албатта ижобат бўлади, чунки улар ҳамиша яхши ният, эзгу мақсадлар ижобати учун меҳнат қилиб мана шундай дориломон кунларга етиб келганлар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: «Шофайзи» маҳалласида яшовчи Рихсивой Мелиев набиралари даврасида Ислом Исмоилов олган сурат

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ!

Юртимизнинг файзи, жамоли,
Бахти, тахти, кўрки камоли.
Фариштаси, нурли иқболи,
Бамисоли шакари, боли.
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,
Эй, табаррук кексалар,
салом!

Ёши улуғ, кўп тўйлар кўрган,
Эл ичида не ўйлар сурган.
Дарёларни чўлларга бурган,
Ўз аҳдида мардона турган.
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,
Эй, табаррук кексалар,
салом!

Сиз борсизки, давралар обод,
Сиз борсизки, элимиз озод.
Сиз борсизки, диллар
хушнуд, шод,
Ҳар қадамда янгилик бунёд.
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,
Эй, табаррук кексалар,
салом!

Ўзбекистон – мардлар
макони,
Олам аро тинчлик қўрғони.
Борки Сиздек марду
майдони,
Осудадир еру осмони!
Сизга таъзим, Сизга эҳтиром,
Эй, табаррук кексалар,
салом!

Искандар РАҲМОН

Биз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходимларига 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланиши ўзгача бир кўтаринки руҳ бағишлади.

КЎТАРИНКИ РУҲ БАХШ ЭТДИ

Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, оилаларимизда кекса отахон ва онахонларимизнинг борлиги, уларнинг дуолари албатта ҳар қандай хонадоннинг бахти-саодати ва давлатидир, уларнинг дуолари билан бошланган ҳар қандай иш энг аввало, оиланинг файзу барокотидир.

Шу ўринда, бир нарсани таъкидлаш жоизки, йиллар қандай номланмасин, унинг асосида ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар ва дастурлар негизида энг аввало инсонларнинг қадр-қиммати, ҳурмати, уларнинг оила ва жамиятдаги ўз ўрнига эга эканликлари турса, албатта юртимизнинг ободлиги, унинг нурафшон келажагига алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилнинг бошланиши муносабати билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви томонидан ҳам Давлат дастурига бир қатор таклифлар киритилди.

Жумладан, энг аввало маҳаллаларимизни обод қилишда жонбозлик кўрсатаётган энг намунали оила бошчилари — кекса отахон ва онахонларнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳрининг сўлим гўшаларига саёҳатларини уюштириш, уларнинг яхши дам олишлари ва ўз вақтида соғлиқларини тиклашлари учун ўзларига қулай бўлган сиҳатгоҳларга бепул йўлланма ажратиш, маҳаллаларимиздаги 100 та гузарларда қарияларимиз учун шашка-шахмат, стол тенниси ва спортнинг бошқа турларини ташкил этиш, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган кексаларимиз учун гузарлар қошида улар учун алоҳида маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш режалаштирилди.

Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни амалга оширишда тегишли мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда.

Омила АРИПОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси

Истиқлол туфайли миллий тикланиш даврида нуроний кексаларимизни қадрлаш борасида катта ишлар қилинди. Буюк аждодларимизнинг инсонпарварлик ғояларидан, халқимизнинг тарихий анъаналари, миллий турмуш тарзи, одоб-ахлоқ, насл-насаб, руҳият ва ирсият ҳақидаги бой меросидан, муқаддас ислом динидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилгани ҳам кекса авлод қалбидаги барча эзгу орзу-интилишларнинг рўёбга чиқишида муҳим омил бўлди.

ҚАРИЯЛАР — ХОНАДОНИМИЗНИНГ ФАЙЗИ ВА БАРАКАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида «Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз», деб қайд этилгани ҳам бежиз эмас.

Халқимизда «умр — ғанимат, дийдор — ғанимат» деган иборалар бор. Дийдорлашув умр мазмунини бойитади. Зотан, одамлар дунёга дийдорлашув учун келади. Ота-онанинг фарзандлар билан дийдорлашувини таърифлаш қийин. Қариндош-уруғ, дўст-биродарларнинг дийдорлашувида ҳам алоҳида завқ-шавқ мужассам.

Илмга интилувчи ёшлар устозлар дийдорига интиқ бўлади. Буюк файласуф Умар Ҳайёмнинг қуйидаги мисралари умрнинг бебаҳо эканига ишорадир:

Кекса, ёш — ҳар кимки ҳаётга етар,
Ҳаммаси бирма-бир, изма-из ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетилар, кетамиз, келишар, кетар.

Инсон умри вақтдек ёруғдир. «Умр масофаси, — деган эди академик шоир Ғафур Ғулом, — икки қош ўртасидаги қисқа, муддати эса кўз очиб юмгунча ўтган дамга тенг». Ҳар бир инсон бу дунёда чиройли хулққа эга бўлиш, яхши ном қолдириш завқи билан яшайди. Зеро, умр мазмуни эзгу ишлар кўлами билан ўлчанади. Инсоннинг энг қимматли бойлиги вақтдир. Уни беҳуда, бесамар ўтказиш талон-тарожлик ҳисобланади. Вақтни бой бериш ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишдир. Мумтоз шоир Данте: «Вақтни бой бераётганида хуноб бўладиган одам энг доно одамдир», деб таъкидлаган.

Халқимизнинг бой маънавий мероси — «Авесто»да ҳам қарияларни қадрлаш, ардоқлаш муқаддас иш саналган. Зардуштийлик дини таълимотининг асосчиси Зардушт қарияларни қадрлаш борасида «Кексалар гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг», дейди. У устозларни ҳам қариялар қаторига қўшиб: «Яхши устозлар тангрига яқин одамлардир, шунинг учун уларни эъзозлашимиз лозим. Донишманд устозлардан шогирдларга ижобий фазилатлар мерос бўлиб қолади. Устозларни шаҳару қишлоқларда, бутун мамлакатда таълим берадиган, ҳақ йўлини тутганлари туфайли, хонадонларга янги аҳкомларни олиб кирадиган ва халқ ардоғига соҳиб бўладиган тоифалар сифатида олқишлаймиз», деб қадрлайди.

«Авесто»да ёзилишича, инсоннинг яшашдан мақсади — юртни обод, элни фаровон қилиш, эътиқодли бўлиш, қарияларни қадрлаб, эъзозлаб, уларнинг ёшлар билан ўзаро аҳил яшашини таъминлашдан иборат.

Ҳаётимизнинг бахтли ва хурсандчилик онларида ҳам, бошимизга мусибат тушганида ҳам қариялар маслаҳатига кўра иш олиб борамиз. Қарияларимиз ўтмиш билан келажакни боғловчи жонли бўғин ҳисобланади. Улар нафақат тарихимиз гувоҳлари, балки ўзгаришларнинг фаол бунёдкорлари, миллийлигимиз, ўзлигимиз ва ғуруримизни англашимизда устоз, меҳрибон мураббийлардир. Улар миллий меросимиз билан ёш авлодни таништириш, улардан самарали фойдаланишни ўргатиш билан бирга, ташқи маънавий таҳдидлар ва мафкуравий тазйиқлар таъсиридан ҳимояланишни ҳам ўргатувчилардир.

Инсон умрининг тўрт фасли бир-бири билан узвий боғлиқ. Агар умр баҳорини беғамликда, ёз фаслини лоқайдликда ўтказсанг, кузда ҳосилинг аттанг, умрнинг охири — қиш фасли эса ҳасрат-надоматдан иборат бўлади. Одамнинг умр баҳорида кўрган қийинчилик ва машаққатлари умрининг куз фаслида мўл-ҳосил бериб, тўкинчилик байрамига айланса, у энг бахтиёр инсондир.

Ёшлар кексаларнинг ўгитидан, донолик билан йўғрилган насиҳатларидан, намунали ҳаётидан хулоса чиқариб, ибрат олади. Зеро, қарияли уй — мактабдир, деб бежиз айтилмаган. Халқда яна «Қария — қариндошлар мойтуғидир», дейилади. Мойтуғ «туғ» сўзидан олинган бўлиб, байроқ ўрнатиладиган жой, яъни қариндош-уруғлар тўпланадиган маскан, деган маънони англатади. Дарҳақиқат, ўзбек оиласида ҳар бир қариянинг ҳолидан хабар олиш, зарурат бўлганда кўмаклашиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Шунинг учун ҳам ҳар бир мўмин, солиҳ фарзанд қариялар дуосини олтин билиб, уларга беминнат хизмат қилишдан чарчамайди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жумладан шундай деди: «Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1январида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, очиғини айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин.

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Бир ўйлаб кўрайлик, «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар — хонадонимизнинг файзи ва фариштаси» деган мақол ва ҳикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор».

Шундай кексаларимиз бор экан, миллий маънавиятимиз барҳаёт, ёшларимиз баркамол авлод бўлиб, ота-боболари ишларини муносиб тарзда келгуси авлодларга ворислик асосида етказиб боравердилар.

Саминжон РАҲИМОВ,
Тошкент Молия институти профессори
Бахтиёр ДЖАНБАКИЕВ,
Тошкент Молия институти доценти

КИТОБ – БЕБАҲО МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари, «Баркамол авлод» болалар марказларида мактаб ўқувчиларининг қишки таътилини сермазмун ўтказиш мақсадида турли қизиқарли маърифий тадбирлар, ижодий танловлар, викториналар ўтказилди.

Республика болалар кутубхонасида ташкил этилган «Китоб – бебаҳо маънавий хазина» номли маърифий кеча улардан биридир. Ушбу тадбирга Тошкент шаҳридаги Мурувват уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари таклиф этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, махсус таълимни давр талабига мос тарзда такомиллаштириш, ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ихтисослашган таълим-тарбия масканларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни замонавий жиҳозлар, ахборот-коммуникация воситалари, махсус ускуна ва мебеллар билан таъминлаш, алоҳида эҳтиёжли болаларга замонавий усуллар ёрдамида педагогик, ижтимоий, даволаш-коррекцион хизматлар кўрсатиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Республика болалар кутубхонасида ҳам юртимизда болалар учун чоп этилган турли ўқув-маърифий, бадиий, илмий-техникавий адабиётлар билан бирга аудио ёзувли, брайл алифбосидаги китобларни имконияти чекланган ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш учун зарур шарт-шароит яратилган. Айни пайтда махсус таълим масканлари тарбияланувчиларининг талабига кўра ушбу ўқув муассасаларига зарур адабиётлар, босма нашрларни етказиб бериш йўлга қўйилган.

– Масканимизда таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бўлган 300 нафардан ортиқ ўқувчи таълим олади, – дейди Тошкент шаҳридаги 1-Мурувват уйи тарбиячиси Ҳамида Рустамова. – Уларнинг билим олиши, юксак маънавиятли шахс бўлиб вояга етиши учун ҳамма шароит мавжуд. Махсус дастур асосида таълим бериш жараёнида болаларнинг китобхонлик маданиятини, миллий адабиётимизга бўлган меҳрини ошириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Тадбирда ўқувчиларнинг адабиётга оид билимини синовдан ўтказувчи ижодий викторина ўтказилди. Фаол қатнашган ўғил-қизларга бадиий китоблардан иборат совғалар топширилди. Санъаткорлар иштирокидаги мусиқий дастур иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

КЕЛГУСИ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътили ҳам кеча якунланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда қатор ишлар амалга оширилди.

Таътил кунларида ўқувчилар учун болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида спорт секциялари ҳамда «Баркамол авлод» болалар марказларида тўгараклар тўлиқ ишлаши таъминланди. Юртимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда қишки таътил вақтида хорижий тилларни ўргатиш, турли фанлардан тўгараклар фаолияти ва спорт машғулотлари кенг йўлга қўйилди.

«Билимлар беллашуви» ҳамда 5-9-синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг туман (шаҳар) босқичлари юксак савияда ўтказилди. Таълим масканларида турли интеллектуал танловлар, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда ижодий кўргазмалар ташкил этилди. Жумладан, «Баркамол авлод» болалар марказларида «Мароқлидир қишки таътилим» номли маданий-маърифий тадбирда «Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакати», «Қиш зийнати либосларда», «Қишки таътилдаги орзуим» мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган бўлса, чет тили ўргатилаётган тўгараклар аъзолари ўртасида «My interesting holiday» мавзусидаги викториналар болаларнинг чет тиллар бўйича билимини янада бойитди.

Жойлардаги ахборот-ресурс марказларида ўқувчилар ўртасида «Қишки таътил китобхони» танлови асосида энг кўп китоб мутолаа қилган ўқувчилар тақдирланди. Ижодкор ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Қиш зийнатини мадҳ этаман» мавзуидаги адабий кечалар ва танловларда болаларнинг иқтидори намоён бўлди. Қишки таътилнинг янада мароқли ўтиши учун барча зарур имкониятлар яратилгани мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод доимий эътиборда эканининг яна бир амалий ифодасидир.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

Спорт янгиликлари

ФИФА ТАСНИФИДА МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ УЧ ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аввалги ой рейтингидан 3 поғона юқорилаб, 71-ўринда қайд этилди.

Янги таснифда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамон Осиё миқёсида тўртинчи ўринда бормоқда. Қитъа рейтингининг юқори учлигидан эса аввалги ойдаги ўринларини ўзгартирмаган Эрон (51) Япония (54) ва Жанубий Корея (69) терма жамоалари ўрин олишган. Ўзбекистондан кейинги икки ўринни эса БАА (80) ва бир хил кўрсатгичга эга бўлган Уммон ва Қатар (93) терма жамоалари банд этишган.

Қайд этиш жоиз, МДҲ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Украина (25) ва Россия (31)дан кейинги ўринда бормоқда.

Дунё рейтингида эса амалдаги жаҳон чемпиони — Германия пешқадам бўлиб турибди. Германия терма жамоасидан кейинги ўринларда Аргентина ва Колумбия терма жамоалари ўрин олишган.

Футбол бўйича Осиё Кубоги «В» гуруҳида ўтказилган Ўзбекистон — КХДР учрашувининг энг яхши ўйинчиси деб терма жамоамиз ҳужумчиси Игорь Сергеев тан олинди. Бу ҳақда www.uff.uz сайти хабар бермоқда.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ

У мазкур ўйиннинг 63-дақиқасида терма жамоамизга ғалаба келтирган ягона голга муаллифлик қилди.

Игорь Сергеевга мусобақа ташкилотчилари томонидан «SAMSUNG» компаниясининг энг сўнгги русумдаги смартфони тақдим этилди.

ЁШ ШАХМАТЧИМИЗ МОСКВАДАГИ ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Москва шаҳрида шахмат бўйича Т.Петросян хотирасига бағишлаб ўтказилаётган халқаро турнирда юртимиз шарафини мактаб ўқувчилари ўртасидаги мусобақаларда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган 9 ёшли Жавоҳир Синдоров ҳимоя қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мазкур мусобақада жами бўлиб 64 спортчи иштирок этмоқда. Мусобақалар 9 турдан иборат бўлиб, швейцарча тизимда ўтказилмоқда.

Мукофот жамғармаси 494.310 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада айни пайтга келиб Давид Гоффен (Бельгия), Жюльен Беннето (Франция), Филипп Кольшрайбер (Германия), Пабло Куэвас (Уругвай) каби кўплаб номдор теннисчилар ҳам иштирок этишларини маълум қилишган.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, Денис Истомин 2014 йили бўлиб ўтган мазкур халқаро турнирда чорак финалга қадар етиб борган. Биринчи босқичда испаниялик Пабло Андухарни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртимиз

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин жорий йилнинг 11-16 январь кунлари Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказиладиган «Aрia International Sydney» анъанавий халқаро турнирида иштирок этади.

ИСТОМИН СИДНЕЙ ТЕННИС ТУРНИРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

иккинчи босқичда Марин Чилич (Хорватия) устидан 6:3, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонган. Чорак финалда россиялик Дмитрий Турсуновга қарши кортга тушган Денис Истомин 6:7, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берган.

Бу галги турнирда Денисга муваффақият тилаймиз.

«Туркистон-пресс»

Осиё кубоги — 2015

ИЛК ЎЙИННИ ЎЗБЕК ҲАКАМИ БОШҚАРДИ

Австралияда бошланган футбол бўйича XVI Осиё кубоги дастлабки учрашувини ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқарди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча спорт турлари қатори футболни ривожлантириш, ёшларни ушбу спортга кенг жалб этиш, истеъдодли футболчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг қитъамизда тенгсиз ҳакам сифатида эътироф этилаётгани, дунёнинг энг кучли ҳакамлари қаторидан жой олгани бунинг тасдиғидир.

...Р.Эрматовнинг ҳуштагидан сўнг Мельбурн шаҳридаги «Rectangular Stadium» стадионида футбол бўйича Осиё кубоги мусобақасининг «А» гуруҳидаги Австралия ва Кувайт терма жамоалари ўртасидаги баҳс бошланди.

Бугун ФИФА рефериси Р.Эрматовнинг турли нуфузли мусобақалардаги шиддатли ва муросасиз учрашувларни бошқаришдаги юксак маҳорати, адолат принципларига қатъий амал қилиш, ҳар қандай мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қила олиш, футболчиларнинг руҳий ҳолатини яхши тушуниш каби юксак профессионал ва инсоний фазилатлари халқаро спорт жамоатчилиги, мухлислар, мутахассислар томонидан кенг эътироф этилмоқда.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларни бошқариб келаётган ўзбек ҳаками футбол бўйича барча нуфузли учрашувларда ҳакамлик қилган. Ҳамюртимиз 2014 йили Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатида жами тўртта учрашувни – гуруҳ босқичида Швейцария – Эквадор, АҚШ – Германия ва Мексика – Хорватия, чорак финалда Голландия – Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни муваффақиятли бошқарди. Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп – 9 учрашувни бошқариб, дунё рекордини ўрнатди.

Р.Эрматов 2008, 2009, 2010, 2011 ва 2014 йилларда беш маротаба «Осиёнинг энг яхши ҳаками» деб топилди. Яқинда Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) томонидан эълон қилинган 2014 йилги дунёнинг энг яхши футбол ҳакамлари рўйхатида бешинчи ўринни эгаллади.

Р.Эрматов ҳакамлик фаолияти давомида учинчи бор Осиё кубоги мусобақасида иштирок этмоқда. У 2004 ва 2011 йилги Осиё кубоги мусобақаларида ҳам ҳакамлик қилган. Жумладан, 2011 йили Қатарда бўлиб ўтган мусобақанинг Япония ва Австралия терма жамоалари ўртасидаги финал учрашувини юксак савияда бошқарганди.

Осиё кубоги мусобақасининг дастлабки учрашуви – Австралия ва Кувайт терма жамоалари баҳси 4:1 ҳисобида якунланди. Р.Эрматовга учрашувни бошқаришда қанотларда ҳамюртимиз Абдуҳамидулла Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Кўчқоров ёрдам берди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Хизматчи Рамз Алимхўжаев 1982 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2003 йилда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида фаолиятини кўп тоифали қутқарувчи вазифасидан бошлаган. Кейинчалик уста қутқарувчи, йўриқчи-қутқарувчи, радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза бўлимида кимёгар-дегазаторчи сифатида хизмат қилган. Айни пайтда бошқарманинг РКБ(б)М гуруҳи қутқарувчиси вазифасида хизмат фаолиятини давом эттириб келмоқда.

ЭЛНИНГ ДУОСИНИ ОЛИШ УЛУҒ БАХТ

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди, орадан кўп ўтмай «қутқарув хизмати» фаолияти йўлга қўйилди. Кутилмаганда бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлса, аҳолининг дарҳол «Қутқарув хизмати»га қўнғироқ қилишлари оддий ҳолга айланиб қолди. Дарҳақиқат, қутқарувчи-халоскор бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, ўзбек қутқарувчилари истиқлол йилларида тўла шаклланди, уларнинг касбий тайёргарлиги, маҳорати анча ошди.

Қутқарувчилик энг олижаноб, ўзгалар юмушини енгил қиладиган, қалтис вазиятларда беминнат хизмат кўрсатадиган хайрли ва савобли, шу билан бирга ўта масъулиятли касблар сирасига киришини англаб етган қаҳрамонимиз Рамз Алимхўжаев ҳеч иккиланмай шу соҳани танлади. Ҳолбуки, элнинг дуосини олишдан-да улуғроқ бахт йўқ.

Мана, салкам ўн икки йилдирки Р. Алимхўжаев ўз касбига алоҳида меҳр қўйиб, не-не инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинишига сабабчи бўлди. У ёш бўлишига қарамасдан, хизмат фаолияти давомида бир-биридан фарқ қиладиган турфа тақдирли, муҳофаза-ҳимояга муҳтожлик сезган кишиларга мадад қўлини чўзди.

Қаҳрамонимиз айрим уй бекалари томонидан газ ёки электр плитасини ёқилган ҳолда қолдириб, эшикни қулфлаб чиқиб, хонадон калитни йўқотиб қўйиш, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида мажақланган машиналар ичида қолиб кетиш, кўп қаватли уйлардаги лифтларда қамалиб қолиш баъзи кекса кишиларнинг оғир хасталик оқибатида уйида ёлғиз қолиб кетиши, сувда чўкиш ва ҳоказо ҳолатларга жуда кўп дуч келган.

ФВВ тизимида сидқидилдан хизмат вазифасини ўтаб келаётган ана шундай жасоратли ва матонатли йигитлар кўпчиликни ташкил этади. Кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида астойдил хизмат қилиб келаётган Рамз Алимхўжаев фидойи халоскор-қутқарувчилардан саналади. Айни пайтда у устоз-қутқарувчи даражасига етиб, ёш қутқарувчиларга халоскорлик сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Шубҳасиз, бунга кўп йиллик иш фаолияти давомида орттирган тажрибаси, маҳорати қўл келмоқда.

— Қутқарувчи Рамз Алимхўжаев ғоят камтар, оғир-босиқ, ўз соҳасини пухта эгаллаган йигит, — дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳи қутқарувчиси, Қутқарувчиларнинг республика кўпкураш мусобақасининг «Энг яхши РКБ(б)М гуруҳи қутқарувчиси» номинацияси ғолиби Саидаҳмад Набиев. – Унинг ҳаракатлари чаққон, ҳар қандай ишни ўта эпчиллик билан бажаришга ўрганган, ўтаётган ҳар дақиқани ғанимат билиб, вақтдан унумли фойдаланади. Биз – ҳамкасблар Рамзни ҳурмат қиламиз ва ундан кўп нарса ўрганишга интиламиз.

Турли кўринишдаги қалтис вазиятларда тўғри ва оқилона ҳаракат қилиш, жабрланувчиларга тез тиббий ёрдам кўрсата билиш ва бошқа халоскорлик хизматларнинг барча турларидан тўла воқифлик ҳар бир қутқарувчи билиши керак бўлган талабларидан биридир. Энг муҳими, қутқарувчи ўта чаққон, довюрак ва эпчил бўлиши шарт. Ана шундай хислату фазилатлар республика қутқарувчилар мусобақаларида бир неча бор иштирок этган тажрибали халоскор йигит Рамз Алимхўжаевда тўла тажассумини топган, десак муболаға бўлмас.

Биз Рамз Алимхўжаевнинг масъулиятли, хайрли ва савобли ишларида улкан муваффақият тилаб қоламиз.

Азамат СУЮНОВ,
Масрур САНАЕВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МАЪРИФИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Аҳоли орасида газдан заҳарланиш ҳамда ботулизм, қутуриш касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

— Заҳарли ёки микроблар сақловчи озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида овқатдан заҳарланиш юзага келади, — дейди ФВВ Радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик) муҳофаза бошқармаси бўлим бошлиғи Абдусами Аҳматов. — Ботулизм овқатдан заҳарланишнинг энг оғир кўриниши бўлиб, у ҳавосиз муҳитда кўпаяди. Айниқса, қиш мавсумида истеъмол қилаётган маҳсулотларимизга алоҳида эътибор беришимиз лозим. 2014 йил ҳисобига кўра овқатдан заҳарланиш ҳолати бўйича 7 маротаба шикоятлар тушган. Унга кўра 126 нафар кишининг заҳарланиш ҳолати кузатилган. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш бўйича давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказмоқда. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида ҳам мавзуга оид маълумотлар бериб борилмоқда.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутасадди раҳбарлар томонидан жавоблар олишди ва мавзуга оид видеороликлар улар эътиборига ҳавола этилди.

Мухлиса ХОЛМАТОВА,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент давлат техника университети қошидаги 3-сон академик лицейи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Малака талаблари:

Олий маълумот, таълим тизимида (педагог ўқув-услубий бошқарув фаолияти) 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси талаб этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани Гёте кўчаси, 54.

Тел: 265-06-54

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **13 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **13 январь** куни Тошкент шаҳрининг об ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12503 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 4 5